

№ 8 (3) - 2023

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES
AND SOCIAL SCIENCES**



**ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ
ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ
ELECTRONIC JOURNAL**

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ 8 (3)-2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўкташович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б., Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукахаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Ҳуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси

Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши хузуридаги Судьялар олий мактаби

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази; Тайланова Шоҳида Зайнине вна – педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш

ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насридин Атакулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Crossref DOI:

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

Google Scholar

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари** электрон журнали
1368-сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.
Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"
масъулияти чекланган жамият.

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com

Телеграм канал:

https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

<i>Воҳидова Комила Абдуллозизовна</i>	
“ЭЛ БАЙРОФИ” ГАЗЕТАСИ ҲАҚИДА	11-17
<i>Сулайманов Саламат Арапбаевич</i>	
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН МУХТОР ВИЛОЯТИДА ҚУРУҚЛИК ВА СУВ ТРАНСПОРТИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР (1924-1932 ЙЙ)	18-24
<i>Raupov Холмамат</i>	
ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА УРАН КОНЛАРИНИ ЎЗЛАШТИРИШ ТАРИХИ	25-32
<i>Мажидов Анвар Сиражович</i>	
ИМПЕРИЯ МУСТАМЛАКАЧИЛИК СИЁСАТИНИГ ТУРКИСТОН ТУБ ХАЛҚЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА ФУҚАРОЛИК АҲВОЛИГА ТАЪСИРИ (СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)	33-40
<i>Begamatova Nasiba Xolmurzayevna</i>	
FERMER XO'JALIKLARI VA KLASTER TIZIMI UCHUN O'RTA MA'LUMOTLI MUTAXASSISLARNI TAYYORLASH TIZIMIDAGI YUTUQLAR VA MUAMMOLAR (SURXONDARYO VILOYATI MISOLIDA)	41-48
<i>Алланазаров Мурот Мирзаевич</i>	
БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ НОЗИРЛАР ШЎРОСИ ВА МИЛЛИЙ РАҲБАР ХОДИМЛАР ФАОЛИЯТИ ХУСУСИДА	49-54
<i>Ismoilova Feruza Ibragimovna</i>	
URUSH YILLARIDA XOTIN-QIZLARNING ILM-FAN VA MADANIYAT SOHALARIDAGI XIZMATLARI	55-59
<i>Tursunov Xurshid Nasriddinovich</i>	
O'ZBEKİSTONDA MUSTAQILLIK YILLARIDA TARIXCHI KADRLAR TAYYORLASH SOHASI HUQUQIY ASOSLARINING YARATILISHI	60-64

08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

<i>Yuldasheva Gulnoza Abdinabiyevna</i>	
THE ROLE OF THE DIGITAL ECONOMY IN MODELING THE FINANCIAL ACTIVITIES OF ENTERPRISES	65-70
<i>Oromidinov Muzaffar Pardabayevich</i>	
DIRECTIONS FOR IMPROVING INTERNAL AUDIT IN COMMERCIAL BANKS	71-75
<i>Худайназарова Дилором Хайруллаевна</i>	
ТҮҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ ДОИРАСИДАГИ РИСКЛАРИНИ СТРАТЕГИК ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	76-84

<i>To'lakov Ulug'bek Toshmamatovich, Jo'rayev Sirojiddin Muxiddin o'g'li</i>	
КО'ЧХМАС МУЛКНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШДА ХОРИЙИ ДАВЛАТЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИСЛОХОТЛАР	85-92
<i>Xudayberganov Dilshod Tuxtabayevich</i>	
МИНТАҚАДА ХИЗМАТ ТУРЛАРИДАН САМАРАЛИ РИВОЈЛАНТИРИШ ЙО'НАЛИШЛАРИ	93-98
<i>Turobov Sherzod Alisherovich</i>	
О'ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA UY XO'JALIKLARI TADBIRKORLIGINI RIVOJLANTIRISHDA DAVLAT SIYOSATI	99-105
<i>Шамсиев Нодир Муратович</i>	
МЕТОДЫ ОЦЕНКИ ПОКАЗАТЕЛЕЙ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ ПРИ АНАЛИЗЕ РЕЙТИНГОВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ И ИХ КАЧЕСТВЕННОЕ ОПИСАНИЕ	106-110
<i>Zaripova Moxira Zarip qizi</i>	
AGRAR SOHAGA XORIJIIY INVESTITSIYALARNI JALB QILISH SAMARADORLIGINI OSHIRISH IMKONIYATLARI	111-114
<i>Узайдуллаев Шерзод Шукуруллаевич</i>	
ЎЗБЕКИСТОНДА ИННОВАЦИОН ИНФРАТУЗИЛМАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ОМИЛЛАРИ	115-121
<i>Atabayeva Karomat Rajabovna, Rajabova Maftuna Farhod qizi</i>	
О'ЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМ SOHASINING RIVOJLANISHI VA TAHLILI	122-127
<i>Жумаева Мухлиса Абдуғани қизи</i>	
МАМЛАКАТДА АЁЛЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	128-137
<i>Камалов Акмал Сайдакбарович, Саматов Гаффор Аллақулович</i>	
ГЕОИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР ШАРОИТИДА ТРАНСПОРТ ЛОЙИҲАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШГА БЎЛГАН ЁНДАШУВЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ	138-150
<i>Мамадиёрөв Олимжон Умаровиҷ</i>	
ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАШ НАЗАРИЯЛАРИ ЭВОЛЮЦИЯСИ	151-158
<i>Раббимов Жаҳонгир Эшбоевиҷ</i>	
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ОПЕРАЦИОН РИСКЛАРНИНГ МОҲИЯТИ, УЛАРНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШ САБАБЛАРИ	159-164
<i>Кулибоев Азамат Шоназаровиҷ</i>	
ДАВЛАТ ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ	165-174

<i>Гадоев Сўҳроб Жумакулович</i>	
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТИНИНГ ТАЪМИНОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ	175-181
<i>Бекжанов Дилмурад Йўлдашович</i>	
ЭМПИРИК ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ АСОСИДА ТУРИСТИК ДЕСТИНАЦИОН МЕНЕЖМЕНТ ЖАРАЁНИ ИШТИРОКЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШ	182-193
09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ	
<i>Boydadayev Abdurroxmon Tolibjon o'g'li</i>	
SHARQ VA G'ARB IRRATSIONAL FALSAFASIDA PANTEISTIK QARASHLARNING QIYOSIY TAHLILI (J.RUMIY VA F.NITSSHE FALSAFASI MISOLIDA)	194-200
<i>Xayridinov Abbosxon Anvarovich</i>	
GLOBALLASHUV JARAYONIDA MA'NAVIY MA'RIFIY INQIROZLARNING OLDINI OLİSHDA MARKAZIY OSIYO QADRIYATLARINI YUKSALTIRISH ISTIQBOLLARI	201-205
<i>Quramboev Alisher Maxsudovich</i>	
TEMURIYLAR DAVRIDA IJTIMOIY ADOLAT TAMOYILLARINING AMAL QILISHI	206-211
<i>Jo'rayev Alisher Tulqinboyevich</i>	
JAMIYAT MILLIY ASOSLARINI MUSTAHKAMLASH – DAVLATNING USTUVOR MAQSADI	212-217
<i>Turabova Sevara Kattaqulovna</i>	
ILMIY BAHS FENOMENINING MANTIQIY- GNOSEOLOGIK MAQOMINI O'RGANISHDA KONSEPTUAL-METODOLOGIK YONDOSHUV	218-224
<i>Пардаева Марҳабо Давлатовна</i>	
АЛИШЕР НАВОЙЙ АСАРЛАРИДА ИЛМГА ОИД ҚАРАШЛАРИНИНГ НАҚШБАНДИЯ ФОЯЛАРИ БИЛАН УЙҒУНЛИГИ	225-233
<i>Qutlimuratov Sardorbek Rustamovich</i>	
NIKOH MUNOSABATLARINING TADRIJIY RIVOJLANISHI	234-240
<i>Tursunkulova Shaxnoza Tuychiyevna</i>	
DINIY MANBALARDA GO'ZALLIK TO'G'RISIDAGI FALSAFIY QARASHLAR	241-246
<i>Юсупова Феруза Зойировна</i>	
АХЛОҚИЙ ИДЕАЛ – ЁШЛАР МАҶНАВИЙ ЮҚСАЛИШИННИГ МЕЗОНИ	247-251
<i>Teshaboev Muhiddin Marifovich</i>	
IJTIMOIY ADOLATNI TA'MINLASHNING PRINSIPIAL MASALALARI	252-257

10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

<i>Soatova Nodira Isomitdinovna</i>	
LIRO-EPIK ASARLARDA POETIK FIKRNING BADIY IFODASI	258-265
<i>Narmuratov Zayniddin Radjabovich</i>	
FRAZEOLOGIK BIRLIKLER LINGVOMADANIY BIRLIK SIFATIDA	266-269
<i>Yusupova Omina Muhammadzoir kizi</i>	
DIFFERENT CLASSIFICATION OF FAIRYTALE DISCOURSE IN WORLD AND UZBEK FOLKLORE	270-276
<i>Бозорова Хулкар Одинақуловна</i>	
РУССКИЙ ЯЗЫК КАК СОСТАВЛЯЮЩАЯ СОДЕРЖАНИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ПОДГОТОВКИ БУДУЩИХ СПЕЦИАЛИСТОВ	277-282
<i>Matyakubov Oybek Quralbayevich</i>	
KOGNITIV TILSHUNOSLIKDA «KONSEPT» TUSHUNCHASI	283-288
<i>Фатуллаева Камола Рахматуллаевна</i>	
ТЕРМИНЛАРНИНГ БЕЛГИЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАСНИФИ	289-293
<i>Karimjonova Shahlo Ravshanjonovna</i>	
O'ZBEK TILIDA KAUZATIV FE'LLARNING YASALISH USULLARI	294-299
<i>Xamzayev Otaxon Erkinovich</i>	
INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA KASB-HUNARGA OIDMAQOLLARNING CHOG'ISHTIRMA TAHLILI	300-305

12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР

<i>Абдурахманова Нодирахон</i>	
ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ СМАРТ-КОНТРАКТОВ В СНГ	306-310
<i>Сафоева Садокат Мусоевна</i>	
ЭКОСИСТЕМА СОЦИАЛЬНЫХ СЕТЕЙ: ИССЛЕДОВАНИЕ РОЛЕЙ ЗАИНТЕРЕСОВАННЫХ СТОРОН В КОНТЕКСТЕ ГРАЖДАНСКОГО ПРАВА	311-320
<i>Абдуллаева Маликабону Эркин қизи</i>	
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ СОҲАСИДА КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ОИД АЙРИМ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИНИНГ ҚИЁСИЙ ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ	321-330

13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

<i>Zoirova Lola Xamidovna</i>	
TIBBIYOT OLIV TA'LIM MUASSASALARIDA “INSON ORGANIZMINING RADIATSİYAGA SEZGİRLİĞİ” MAVZUSINI O'QTİSHDA RAQAMLI TEKNOLOGİYALARDAN	

FOYDALANISH	331-336
<i>Ibragimov A'lamjon Amrilloyevich</i>	
KOGNITIV SIFATLARNING UZLUKSIZ KASBIY RIVOJLANISHGA TA'SIRI (MAKTAB PEDAGOG XODIMLARI MISOLIDA)	337-343
<i>Madaminov Azimbek Egamberganovich, Xalillayev O'ktam Sobir o'g'li</i>	
YOSH GANDBOLCHI DARVOZABONLARNI O'YIN TEXNIKASIGA O'RGATISH	344-349
<i>Fayzullaeva Madina Abdumumin kizi</i>	
ANALYSIS OF THE POSITIVE IMPACT OF DIGITAL TECHNOLOGIES ON THE MOTIVATION AND KNOWLEDGE OF STUDENTS IN THE DEVELOPMENT OF THE EDUCATIONAL PROCESS	350-355
<i>Джумаева Хулкархан Мухаммаджоновна</i>	
ВНУТРЕННИЕ УГРОЗЫ, НЕГАТИВНО ВЛИЯЮЩИЕ НА ДУХОВНОСТЬ СТУДЕНТОВ..	356-361
<i>Islomova Madina Asqarovna</i>	
INTEGRATSIYALASHGAN SUN'IY INTELLEKT TOMONIDAN YARATILGAN CHATGPT BOT YORDAMIDA NEMIS TILI O'QITISHNING SAMARADORLIGINI OSHIRISH	362-368
<i>Raxmatova Mexrinoz Majitovna</i>	
YOSHLAR MA'NAVIY SALOHIYATINI O'RGANISHNING NAZARIY-METODOLOGIK ASOSLARI	369-373
<i>Абдукаюмова Наргиза Райимовна</i>	
ЮҚОРИ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ МАДАНИЙ-ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДИДАКТИК ШАРТЛАРИ	374-384
<i>Norboyev Farxod Chorshanbiyevich</i>	
KREATIVLIK VA INNOVATSIYA BORASIDA ZAMONAVIY NAZARIYALAR	385-390
<i>Borasheva Aybolgan</i>	
EXPLORING JAMES MCCROSKEY'S RESEARCH ON WILLINGNESS TO COMMUNICATE IN L1 CONTEXTS: IMPLICATIONS FOR LANGUAGE TEACHING AND LEARNING	391-398
<i>Fayzullayeva Gulchexra Sharipboyevna</i>	
KOGNITIV TADQIQOTLARNING FANLARARO TUSHUNCHА SIFATIDAGI MOHIYATI VA MANTIQIY TAHLILI	399-409
<i>Boboraximov Sanjar Malikjanovich</i>	
MAKTABDA O'QUVCHILARNI JISMONIY TARBIYALASHNING ZARURATI VA UNGA QO'YILADIGAN TALABLAR	410-414
<i>Salimova Shahlo Sayfulloyevna</i>	
XAVFSIZ TA'LIM MUHITI MONITORINGINING AHAMIYATI	415-421

<i>Sayfiddinova Jamila Ziyodulla qizi</i>	
METHODOLOGY FOR THE DEVELOPMENT OF LOGICAL REASONING IN PRIMARY SCHOOL PUPILS	422-427
<i>Xamroyev Samijon Salimovich</i>	
SPORT TO'GARAKLARI ORQALI TALABALARING JISMONIY MADANIYATINI RIVOJLANTIRISH KOMPONENTLARI	428-433
<i>Kattaeva Feruza Shakirovna</i>	
DEVELOPING STUDENTS SOCIO-CULTURAL COMPETENCE BY USING SOCIO CULTURAL DISCOURSE ANALYSIS METHOD	434-441
<i>G'ofurov Azizbek Umarjonovich</i>	
BO'LAJAK JISMONIY TARBIYA FANI O'QITUVCHILARINI TAYYORLASH TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH	442-447
<i>Abduraximova Umida Shuxratovna</i>	
BO'LAJAK TARJIMONLARNING LINGVOMADANIY VA KOMMUNIKATIV KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISHNING NAZARIY-METODOLOGIK ASOSLARI	448-454
<i>Obidova Gulmira Kuzibaevna</i>	
INGLIZ TILINI O'RGANISH JARAYONIDA TEXNIKA TA'LIM YO'NALISHI TALABALARIDA EKOLOGIK MADANIYAT ASOSLARINI SHAKLLANTIRISHDA ZAMONAVIY PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALAR VA INTERAKTIV METODLAR	455-460
<i>Axmadaliyeva Xosiyatposhsho Abduxayotovna</i>	
PROFESSIONAL TA'LIM YO'NALISHLARIDA TAHSIL OLAYOTGAN O'QUVCHILARNING INGLIZ TILIDAN KOMMUNIKATIV KOMPETENSIYASINI AUTENTIK MATERIALLAR ORQALI TAKOMILLASHTIRISH	461-469

08.00.00 – Иқтисодиёт фанлари

Мамадиёров Олимжон Умарович,
Тошкент молия институти катта ўқитувчиси
E-mail: O_Umarovich@mail.ru

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАШ НАЗАРИЯЛАРИ ЭВОЛЮЦИЯСИ

Аннотация. Мазкур мақолада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги назарий қарашлар эволюцияси ва унга таъсир этувчи омиллар келтирилган, жумладан, иқлим ўзгариши ва давлатлараро сиёсий-иктисодий зиддиятларни озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга таъсирини юмшатиш ҳамда уни янада ривожлантириш борасидаги хукуқий, институционал ва бошқа шартшароитлар таҳлил қилинган.

Калитли сўзлар: озиқ-овқат, маҳсулот, хавфсизлик, танқислик, иқтисодий имконият, пандемия, иқлим ўзгариши, маҳсулот миқдори.

Mamadiyorov Olimjon Umarovich,
Senior Lecturer, Tashkent Financial Institute

THE EVOLUTION OF FOOD SECURITY THEORIES

Abstract. This article analyzes the evolution of theoretical views on food security and the factors influencing it, including an analysis of legal, institutional and other conditions that contribute to mitigating the impact of climate change and interstate political and economic conflicts on food security and its further development.

Key words: food products, products, safety, scarcity, economic opportunity, pandemic, climate change, quantity of products.

Мамадиёров Олимжон Умарович,
Старший преподаватель Ташкентского финансового институт

ЭВОЛЮЦИЯ ТЕОРИЙ ПРОДОВОЛЬСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ

Аннотация. В данной статье анализирована эволюция теоретических взглядов обеспечения продовольственной безопасности и факторы, влияющие на нее, в том числе приведен анализ правовых, институциональных и иных условий способствующих смягчению воздействия изменения климата и межгосударственных политico-экономических конфликтов на обеспечение продовольственной безопасности и ее дальнейшее развитие.

Ключевые слова: продовольственные продукты, продукция, безопасность, недостаточность, экономическая возможность, пандемия, изменение климата, количество продукции.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SCP1342V3I8Y2023N21>

Кириш. Мамлакат аҳолисини турмуш фаровонлигини, уларнинг ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларини таъминлаш давлат томонидан бажарилиши зарур бўлган бирламчи вазифалардан ҳисобланади. Аҳоли турмуш даражаси эса ўз навбатида, иқтисодий хавфсизлик, озиқ-овқат хавфсизлиги билан узвий боғлиқ ҳисобланади. Яъни мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш даражасига мос тарзда бўлади.

Озиқ-овқат хавфсизлиги муаммоси қадимдан мавжуд бўлиб, дастлаб одамлар жониворларга хос туйғу асосида заарли озуқалардан ўзини ҳимоя қилган бўлса, кейинчалик бу ҳимоя илмий натижалар ва қонунчилик механизмларига асосланган ҳолда ривожланиб борган.

2019 йилда дунё миқёсида коронавирус пандемиясининг бошланиши натижасида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш муаммоси янада жиддийлашганлигини кўришимиз мумкин, чунки ҳар бир давлат биринчи ўринда ўз фуқароларини бирламчи эҳтиёжларини қондириши ва улардан ортсагина экспорт қилиши мумкинлиги барчага аён эди. Ҳозирги кунда ҳам пандемия тугагани йўқ, Европа давлатлари карантин ҳолатида қолмоқда, мамлакатимизда эса нисбатан карантин чоралари енгиллаштирилмоқда.

2022 йил якунига кўра мамлакатимиз иқтисодий ривожланиш кўрсаткичи мусбат бўлган саноқли мамлакатлар қаторидан ўрин олгани барчамиз учун қувонарли ҳол.

Озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлашнинг нақадар муҳимлиги ҳақида Ибн Сино, Ал Хоразмий, Абу Райхон Беруний, каби юртимизнинг буюк мутафаккирлари кўплаб асарларида таъкидлаб ўтишган.

Маълумки, озиқ-овқат хавфсизлиги – бу иқтисодиётнинг аҳоли эҳтиёжини физиологик меъёрларга мувофиқ ҳолда озиқ-овқат маҳсулотлари билан қондиришда ҳолати бўлиб, миллий хавфсизликнинг асосий қисми ҳисобланади.

Озиқ-овқат хавфсизлиги деганда озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолининг жисмоний ва иқтисодий имкониятлари ҳамда овқатланиш хавфсизлиги назарда тутилар экан бу борада юртимизда олиб борилаётган ислоҳатлар ҳам диққатга сазовор ҳисобланади.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласининг назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан муайян даражада ўрганилган. Жумладан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, миллий бойлиқ, аҳоли турмуш даражаси, тадбиркорлар ва мулк эгалиги ҳамда ишчилар орасидаги муносабатлар, ишлаб чиқариш хажми, сарф-харажатлар, истеъмол товарларининг нафлийлик даражаси ва аҳоли эҳтиёжларининг таъминланиши борасида У. Петти, А. Смит, Д. Рикардо, Л. Валрас, Дж.М. Кларк, Дж. Милл, У. Рошер [1; Б.120-280.] ва бошқа олимлар томонидан тадқиқ қилинган.

Озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлашнинг илмий-амалий жиҳатлари МДҲ мамлакатлари олимлари жумладан, давлатда озиқ-овқат хавфсизлиги асослари, миллий хавфсизликда биологик сиёсатнинг аҳамияти Д.В. Гордиенко [2; Б.12-23], Н.П. Виноградов [3; Б.231-243], О.С. Белокрылова [4; Б.12-34], В.Е. Афонина, А.А. Жученко, Л.Л. Пашиналар [5; Б.132-139] томонидан тадқиқ қилинган.

Ўзбекистонда иқтисодий хавфсизлик ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалаларининг айрим назарий ва амалий жиҳатлари Т.С. Расулов, Ҳ.П. Абулқосимов, [6;

Б.22-114.] озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланганлик даражаси ва уларни баҳолаш О.А. Абдуғаниев [7; Б.1-11], Н.Ж. Сотволдиев [8; Б.1-11], У.Сангирова, Б.Турсунов, С.Шаякубов, И.Юнусов, Д.Бабабековалар томонидан озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда давлат иқтисодий сиёсатининг таъсири ўрганилган [9; Б.10050-10055].

Илмий изланишларимизда, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш жараёнларига таъсири кўрсатувчи назариялар ва омиллар таҳлил қилинган. Илмий тадқиқотнинг услугбий асоси бўлиб сиёсий-иктисодий, табиий ҳодиса ва жараёнларнинг озиқ-овқат хавфсизлигига таъсири ва унга эришиш борасидаги ФАО томонидан ишлаб чиқилган йўналишлар, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ва меъёрий-хуқуқий ҳужжатлари ва илмий тадқиқотларни ечимини топиш имконини берувчи таҳлилий ёндашув ҳисобланади. Ушбу илмий изланишларда мантиқий, тизимли ва математик иқтисодий таҳлил усусларидан кенг фойдаланилган ва ўрганиб чиқилган.

Муҳокама. Ҳозирги вақтга келиб ер юзидағи аҳоли сони Т.Малтус яшаган замондаги аҳоли сонидан бир-неча баробар кўпайган ва шу ўринда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳам аҳоли сонига нисбатан етарли даражада кўпаймоқда. Масалан охирги ўн йилликда дунё аҳолиси сони 16% га ошган бўлса озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш 19% га ошган. Агар келгусида ҳам аҳоли сони ортиб борадиган бўлса, ишлаб чиқарувчилар ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришлари зарур бўлади. Ушбу муаммони ҳал этилиши борасида дунё ҳамжамияти изланишлар олиб бормоқда.

Бутун жаҳон озиқ-овқат хавфсизлиги деклорасиясига мувофиқ 2030 йилга бориб ер юзида бирорта оч қолган инсон бўлмаслиги керак эди, барча мамлакатлар шу мақсад сари дастурлар тайёрлаган эди. Лекин ўтган йилла мобайнида шу нарса аниқ бўлдики бу мақсадларга етиш онсон эмас экан. ФАО томонидан тақдим этилган ҳисоботлар шуни кўрсатадики кейинги йилларда олиб боилаётган ишлар самарси сезиларли даражада эмас. Ҳисоботда кўрсатилишича 2020 йилда 720 миллион кишидан 811 миллион кишигача, яъни 2019 йилга нисбатан 161 миллион кишига кўпроқ инсонлар очлиқдан азият чекишган, шунингдек 2020 йилда 2.37 миллиард киши эҳтиёжига етарли озиқ-овқат маҳсулотларини олишларига имконияти бўлмаган ва бу кўрсаткич 2019 йилга нисбатан 320 миллион кишига ортган [10; Б.5-6].

Covid-19 пандемияси таъсирида халқаро даражада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада мураккаблаштириди, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдаги хатти-харакатлар олдини олиш шароитини вужудга келтириди ва эндиғи вазифа 2030 йилгача бўлган вақтда очарчилик ва тўйиб овқатланмаслик даражасини аниқлаштириш йўлларини ишлаб чиқиши талаб қилди. ФАО мутахассислари озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада мураккаблашган даврларни қўйдагиларга бўлиб ўрганади:

- урушлар;
- иқлим ўзгариши ва табиий оғатлар;
- иқтисодий ўсишнинг секинлашуви ва инқироз;
- истеъмол учун зарур тўлақонли маҳсулотларни сотиб олиш имконияти йўқлиги.

Биринчи даврни таҳлил қилганимизда қўйидагини аниқлаштириб олишимиз керак, охирги 10 йиллар давомида дунёning турли мамлакатларида бўлиб турган

урушлар озиқ-овқат хавфсизлигига асосий таҳдид ҳисобланади. Айнан урушлар натижасида, жумладан бугунги кунда Россия ва Украина давлатлари ўртасидаги уруш натижасида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқишининг кескин камайиши, дехқончиликка яроқли ерларнинг ишлов берилмай қолиши, аҳолини уй-жойсиз ва ишсиз қолишига олиб келади. Натижа бир қанча мамлакатларда очарчилик бошланди.

Иккинчи даврда иқлим ўзгариши озиқ-овқат хавфсизлигига жуда катта таъсир кўрсатади жумладан, дунёning турли мамлакатларида бўлиб турадиган табиий оғатлар натижасида аҳолига керак бўладиган истеъмол маҳсулотлари ишал чиқариш издан чиқади. Уларни бартараф этиш учун узоқ муддат талаб этилади.

Учинчи даврда мамлакатларнинг иқтисодий ривожланганлик даражаси ортгани сари озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш имкони ортиб боради ва аксинча иқтисодий ўсишнинг секинлашуви ва инқироз натижасида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми қисқаради, аҳолининг тўлов қобиляти камаяди. Иқтисодий ўсишнинг секинлашуви ва инқирознинг сабаби бозордаги рақобат, халқаро даражадаги савдо урушлари, сиёсий вазият ёки глобал даражадаги Пандемия бўлишидан қатъий назар ўша жойларда озиқ-овқат маҳсулотлари миқдори камаяди ва уларнинг нархи ортиб боради, натижада очарчилик даражаси ортиб боради. Бу жараён ривожланмаган мамлакатлар учун жуда оғир кечади.

Тўртинчи даврда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш даражаси пасайиб борган сари истеъмол учун зарур тўлақонли маҳсулотларни сотиб олиш имконияти камайиб боради, натижада аҳоли орасида ҳаддан зиёд ориқлик, бўй ўсишини орқада қолиши, семизлик каби турли касалликлар кўпайиб боради.

Бугунги кунга келиб озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги ва тўйимлилиги ҳамда шахсий ҳоҳишларни ҳам инобатга олиш мақсадида озиқ-овқат хавфсизлиги тушунчаси кенгайтирилди. Озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида мавжуд замонавий адабиётда 200 дан ортиқ тушунча ва 450 кўрсаткич мавжуд [10; Б.9-10]. Озиқ-овқат хавфсизлиги тушунчасига таъриф беришда вақт ва маконга мос ҳолда турлича қарашлар, ёндошувлар мавжуд.

Озиқ-овқат маҳсулотлари танқислиги одамларни пайдо бўлиши билан юзага келган долзарб масалалардан ҳисобланади, фақатгина XX асрнинг 70 йилларига келиб дунё мамлакатлари аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш асосий масала сифатида қаралиб, кенг миқиёсда халқаро даражада биргалиқда жиддий ислоҳатлар амалга ошириш кераклигини кўрсатди. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий йўли сифатида ишлаб чиқаришда янги, тежамкор, иновасион техника-технологияларни қўллаш, илм-фан ютуқларидан самарали фойдаланиш белгилаб олинди.

Бирлашган миллатлар қошидаги Ҳалқаро озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ФАО (ингл. FAO – Food and agricultural organization — Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти) томонидан “Озиқ-овқат хавфсизлиги” термини ҳалқаро амалиётда қўлланила бошлади. Уларнинг таъкидлашича, озиқ-овқат хавфсизлиги бу – иқтисодиётдаги шундай ҳолатки аҳолининг барча қатлами фаол ва соғлом ҳаёт кечиришлари учун етарлича ва ҳамиша озиқ-овқат маҳсулотларини олиш имкони мавжуд бўлсин.

Албатта озиқ-овқат хавфсизлиги деганда аҳолининг барча қатламларини озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олишга бўлган иқтисодий ва амалий имкониятлари назарда тутилади. Аҳолининг иқтисодий имкониятлари бу уларнинг молиявий таъминланганлиги тушунилади, ҳамда ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ўзлари учун озиқ-овқат маҳсулотлари керакли миқдорда ва керакли даражадаги сифатда харид қила олишлари мумкин бўлади. Демак, озиқ-овқат хавфсизлиги – бу иқтисодиётнинг аҳоли эҳтиёжини физиологик меъёрларга мувофиқ ҳолда озиқ-овқат маҳсулотлари билан қондиришдан иборат жараёни, миллат хавфсизликнинг асосий қисмидир. Унинг асосий мезонлари озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолининг жисмоний, иқтисодий имкониятлари ва маҳсулотларнинг сифати, хавфсизлигидан иборат.

Натижалар. Таъкидлаш жоизки, мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлиги умумий объектив қонунлар асосида шаклланади ва амал қиласи. Бироқ, мамлакатларда озиқ-овқат хавфсизлигининг минтақавий хусусиятларига эътибор қаратиш муҳим, чунки:

бириңчидан, мамлакатнинг барча ҳудудларини озиқ-овқат билан таъминлашга эришилгандагина, мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлиги ҳақида гапириш мумкин;

иккинчидан, мамлакатнинг салмоқли ҳудуди ва ҳудудларнинг турли хил табиий-иқлим шароитлари, уларнинг салоҳияти ва ихтисослашувины ҳисобга олишни тақозо етади;

учинчидан, минтақаларда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш элементларнинг умумийлиги жиҳатидан бошқа минтақалардан фарқ қилиши ва таркибий қисмларнинг ўзаро боғлиқлиги билан ажralиб турадиган сезиларли даражадаги фарқланишлар;

тўртинчидан, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини тавсифловчи коеффициентларнинг ўртacha қийматлари минтақалардаги реал вазиятни акс эттирамайди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, минтақалараро табақаланиш минтақаларнинг ишлаб чиқариш, истеъмол ва озиқ-овқат хавфсизлиги нуқтайи назаридан сезиларли даражадаги фарқланишини кўрсатади;

бешинчидан, минтақаларда аҳолининг турли қатламлари даромадларининг нотекислиги, озиқ-овқат маҳсулотлари билан иқтисодий ва жисмоний таъминланганлик, озиқ-овқат истеъмоли даражаси бўйича сезиларли даражадаги фарқланишни юзага келтиради;

олтинчидан, ҳар бир минтақа учун озиқ-овқат хавфсизлигини тартибга солиш усуллари озиқ-овқат хавфсизлигининг амалдаги даражаси, мавжуд ва эҳтимолий омиллар, шунингдек, истиқболли йўналишлардан келиб чиқиб белгиланиши лозим;

еттинчидан, озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжни қондириш ҳар бир шахсга нисбатан унинг ҳақиқий яшаш жойида амалга оширилиши керак;

саккизинчидан, минтақавий озиқ-овқат бозорларини шакллантиришни минтақаларнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашни ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш талаб этилади.

Демак, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш минтақавий даражада ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Озиқ-овқат хавфсизлигини умумий жараён сифатида қўриб чиқсак, олимлар ушбу масалани ўрганишда тегишли жараённи комплекс тартибда: ишлаб чиқариш, тақсимлаш, истеъмол босқичларига бўлиб ўрганади. Олимларнинг асосий эътибори ишлаб чиқариш ёки истеъмол босқичига қаратилган бўлиб, фақат бир

нечта олимлар гуруҳи бу борада тақсимот босқичига алоҳида эътибор берадилар. Шунингдек, озиқ-овқат хавфсизлиги концепцияни талқин қилишда ҳам, унинг таркибий қисмларини танлашда ҳам сезиларли фарқлар мавжуд. Хусусан, олимларнинг аксарияти бу борада озиқ-овқат хавфсизлигининг миқдорий компонентини алоҳида таъкидлашса, айримлари муҳим таркибий қисмлар бўлган сифат ва харажатга эътибор берадилар.

Агарда озиқ-овқат хавфсизлиги концепциясиға нисбатан объектни белгилаш нуқтаи назаридан кўриб чиқсан, озиқ-овқат хавфсизлиги объекти; шахс, оила, жамоа, жамият, аҳоли, миллат, давлат, инсоният деб ҳисоблайдиган бошқа муаллифларнинг фикридан фарқли ўлароқ, биз бу борада худудда бирлаштирувчи таркибий қисмларга эга бўлган жиҳатларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Юқоридаги таърифлардан кўриниб турибдики, озиқ-овқат хавфсизлиги мазмуни ва хусусиятлари билан боғлиқ таърифларда яқдиллик мавжуд эмас. Баъзилар бу борада хавфсизликка ҳолатига эътибор беришади; бошқалар — давлат ва худудий ҳокимият органларининг аҳолини озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини таъминлаш қобилияти сифатида таърифлайди. Баъзи муаллифлар аҳолининг озиқ-овқат билан барқарор таъминланишини қайд етишса, бошқалари минтақа аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотларига эга бўлиши деб талқин қиласидилар.

Биз мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини ўрта муддатли истиқболда миллий хавфсизликни таъминлаш йўналиши деб ҳисоблаймиз. Фикримизча, минтақанинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш қисқа, ўрта ва узоқ муддатли истиқболли жараёнларга эътибор қаратиш лозим. Бизнингча, озиқ-овқат хавфсизлиги бу- минтақа аҳолисини самарали ихтисослашув ва минтақалараро алоқалар асосида ўзини ўзи озиқ-овқат билан таъминлашга доир лаёқати деб таъриф берамиз.

Олимларнинг озиқ-овқат хавфсизлигининг мазмуний хусусиятларини очишга бўлган ёндашувларини таҳлил қилиб, озиқ-овқат хавфсизлигининг хусусиятларини, асосий босқичлари ва таркибий қисмларини белгилаб берувчи минтақавий жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда, бу борада тақсимот жараёнига эътибор қаратиш лозим. Тақсимот босқичида озиқ-овқат хавфсизлигининг таркибий қисмлари сифатида қўйидагилар киради:

Миқдорий тақсимот — минтақага бошқа худудлардан олиб кирилаётган маҳсулотлар ва унинг импорти, минтақадан олиб чиқилаётган маҳсулотлар ва унинг экспорт ҳажми;

Харажатларни тақсимлаш — маҳсулотларни қайта ишлаш ва сотиш харажатлари ва озиқ-овқат бозоридаги нарх диапазони;

Сифатли тақсимот — маҳсулотнинг қайта ишлаш ва сотиш босқичидаги сифати.

Истеъмол қилиш босқичида озиқ-овқат хавфсизлиги таркибий қисмларини қўйидагича талқин қилиш мумкин:

Истеъмолнинг жисмоний мавжудлиги — бу минтақа аҳолисининг барча ижтимоий ва демографик гуруҳлари учун асосий озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилинадиган жойларда доимий равишда таъминлаш учун зарур бўлган ҳажмда, ассортиментда ва тегишли сифатда мавжудлиги.

Истеъмолнинг иқтисодий жиҳатдан қулалиги — бу минтақа аҳолисининг барча ижтимоий ва демографик гуруҳлари учун мувозанатли овқатланишини таъминлаш учун

зарур бўлган ҳажмда, ассортиментда ва тегишли сифатда асосий озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олишнинг барқарор имкониятларини акс эттиради.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги — озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш шароитида санитария-гигиена талабларига риоя қилган ҳолда тўғридан-тўғри ёки билвосита инсон саломатлигига зарар етказмайдиган ва белгиланган мақсадда истеъмол қилиш.

Хуноса. Илмий изланишларимиз натижасида биз “озиқ-овқат хавфсизлиги” тушунчасига қўйидагича таъриф бердик: озиқ-овқат хавфсизлиги бу – мамлакат ҳудудида яшовчи аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини уларнинг нормал, соғлом ҳаёт кечиришлари, кўпайишлари ва дам олишлари учун етарли даражада ва хавфсиз бўлишини таъминланишидир.

Бундай таъриф берилишига сабаб шуки, озиқ-овқат хавфсизлиги, фақатгина овқатланишга бўлган эҳтижни қондиришда эмас, балки аҳолининг яшаш даражасини кўтаришга қаратилган чора-тадбирлар, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнини тўғри ташкил этилиши, ҳаёт учун зарур маҳсулотлар билан таъминлаш кўзда тутилади. Бунда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнигина эмас, балки уларни қайта ишлаш жараёнини ҳам ўрганиш муҳим ҳисобланади.

Ҳозирги кунда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, уларни қайта ишлаш, синтетик маҳсулотларни яратиш, алтернатив маҳсулотлар билан тўлдириш жараёни амалга ошмоқда. Озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ва ишлаб чиқаришда уларнинг фақатгина миқдор жиҳатидан эмас, балки сифат жиҳатидан тўйимлилиги, таркибида керакли моддалар билан бойитилганлигини, энергетик қуввати, килокалориясини ҳам ҳисобга олиш керак. Барча мамлакатлар аҳолиси учун озиқ-овқат маҳсулотлари ўзларининг ҳудудларида етиштиришга ҳаракат қилишади, етишмаган дефицит қисмини эса импорт эвазига таъминлашади.

Озиқ-овқат хавфсизлигига бизнингча, маҳсулотнинг миқдори ва маҳсулотнинг сифати деган тушунчаларга алоҳида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Озиқ-овқат маҳсулотлари миқдори деб – аҳолининг маълум вақтдаги эҳтиёжларини қондириш учун керак бўладиган маҳсулотларинг турлари ва ҳажмига бўлган заруриятига айтилади. Озиқ-овқат маҳсулотлари сифати деганда, уларга қўйилган давлат стандарти, истеъмолчи яъни инсонларнинг талабларига жавоб беришига айтилади.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Вальрас Л. Элементы чистой политической экономии. - М.: Изограф, 2000. 448 –С.
2. Гордиенко Д.В. Основы экономической безопасности государства. Аналитический доклад.-М., 2009. 48 с.
3. Виноградов В.Н. Продовольственная безопасность как сфера национальных интересов России. монография - М: Институт соц.-полит. исслед., 2004. - 370 с.
4. Белокрылова О. С. Механизмы обеспечения продовольственной безопасности в условиях открытости экономики. Ростов на-Дону Издательство Рост. университета, 2004. - 158 с.
5. Афонина В.Е., Жученко А.А., ПашинЛ.Л. Инвестиции как инструмент обеспечения продовольственной безопасности России - Одинцово: Одинцовский гуманитарный университет, 2015. – 298 с.

6. Абулқосимов Ҳ.П., Расулов Т.С. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг назарий жиҳатлари ва йўналишлари. Монография. – Т.: “Fan va texnologiya”, 2017. 152 -Б;
7. Абдуғаниев О.А. Минтақанинг озиқ-овқат билан таъминланганлигини баҳолаш усуслари ва мезонлари //”Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. №3. Май-июнь 2018 йил.
8. Сотвoldиев Н.Ж. “Озиқ-овқат хавфсизлиги тушунчаси ва унинг илмий назарий концепцияси” “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь, 2017 йил
9. Sangirova, U., Tursunov, B., Shayakubov, S., Yunusov, I., & Bababekova, D. (2021). The geographical distribution of the shadow economy and its decline in Uzbekistan. In E3S Web of Conferences (Vol. 244, p. 10050). EDP Sciences.
10. ФАО, МФСР, ЮНИСЕФ, ВПП и ВОЗ. 2021. Краткий обзор. Положение дел в области продовольственной безопасности и питания в мире – 2021. Преобразование продовольственных систем в интересах обеспечения продовольственной безопасности, улучшения питания и экономической доступности здоровых рационов питания для всех. Рим, ФАО. <https://doi.org/10.4060/cb5409ru>

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 8 (3)-2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари” электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.**

**Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
масъулияти чекланган жамияти**

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яққасарой
тумани, Кичик Бешёғоч қўчаси, 70/10-
уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:
(99) 602-09-84 (telegram).